



TOSHKENT HAQIQATI

1928 yil 11 dekabrda asos solingan

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТИББИЁТДА ХУСУСИЙ СЕКТОР ФАОЛИЯТИГА ҚЎШИМЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИШ ВА СОҶА ХОДИМЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Замонавий тиббий хизматлар кўламини кенгайтириш, нодавлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек, 2022 йил 18 март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан янги форматдаги "Тиббиётдаги ислохотлар – инсон қадрини унён" мавзусидаги очик мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилангани:
юқори малакали ва малакали мутахассислар тоифасига кирмайдиган бошқа чет эл фуқароси бўлган шифокорлар учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома берганлик учун йиғим миқдори 6 бараварга камайтирилиб, **базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари миқдоридан ундирлади;**

Ўзбекистон Республикасига қисқа муддатга (бир ойгача), шу жумладан, диагностика ҳамда даволаш амалиётларини бажариш, тажриба алмашиш дастурлари, маҳорат дарслари ўтказиш ва маърузалар ўқиш, ходимлар малакасини ошириш мақсадида келатган чет эл мутахассисларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома олиш талаб этилмайди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлмаган хорижий фуқаролар ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслардан даволаш муассасалари томонидан ундирилмаган туристик (меҳмонхона) йиғим бекор қилинади;

даволаш муассасалари (бундан санаторий ва пансионатлар мустасно) учун туристик хизматларни сертификатлаштиришга бўлган талаб бекор қилинади. Бундан, даволаш муассасалари томонидан ташриф буюрувчиларни ҳисобга олиш автоматлаштирилган махсус дастур орқали электрон шаклда амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги "Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2863-сон қароридан назарда тутилган юридик шахслар томонидан, шу жумладан, лизинг шартномаси асосида олиб келинадиган янги тиббиёт асбоб-ускуналари, бутловчи буюмлар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари ҳамда сарфлаш материаллари учун божхона имтиёзларининг амал қилиш муддати **2025 йил 1 январга** қадар узайтирилсин.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг тиббиёт асбоб-ускуналари ва буюмларининг эҳтиёт қисмларини ҳамда тиббиёт мақсадлари учун сарфлаш материалларини ўрнатил-

ган тартибда шакллантириладиган рўйхатларга асосан, **2025 йил 1 январга қадар** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб киришда қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда ушбу банддан келиб чиқиб, Солиқ кодексига 2025 йил 1 январга қадар қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш бўйича имтиёзларни назарда тутувчи ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш юзасидан кўйидаги тақлифлари маъқуллансин:

нодавлат тиббиёт ташкилотларида тиббиёт олий таълим муассасаларининг клиник базаларини ташкил этиб, уларда шифокор ва ҳамширалар малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш;

малака тоифаси олиш учун талаб этиладиган иш стажини муддатини қисқартирган ҳолда, тоифасиз ходимларга 3 йил, биринчи тоифа учун – 5 йил, олий тоифа учун – 7 йил этиб белгилаш;

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда Қурилиш вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** тегишли меъёрий ҳужжатларга хусусий тиббий фаолият билан шуғулланувчи ташкилотлар учун лицензия олишда санитария ва қурилиш талабларини соддалаштириш бўйича ўзгартиришлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири Б.А.Мусаев белгилансин.

9. Фармоннинг ўз вақтида ва самарали ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н.Тўйчиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 11 апрель

Оқ ХАЛАТ МАСЪУЛИЯТИ

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 18 март куни соғлиқни сақлаш тизими вакиллари билан ўтказган очик мулоқотда соҳадаги муаммолар очик-ойдин айтилди, уларни қисқа муддатда бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Тиббиётдаги
ислохотлар –
инсон қадрини
унён



Президентимиз таъкидлаганидек, бугунги ўзгаришлар жараёнида оқ халат соҳибининг ўз ишига муносабати – маданияти, маънавияти, масъулияти, қолаверса, қасамёдига қанчалар содиқлиги намоён бўлади. Энг муҳими, шифокор қаршида доимо ҳўким сўраб келган беморни, шу элнинг вакилини, ин-



сонни кўра билиши лозим.

Яқинда таҳририятимизга бир аёл кириб келди ва ўзини оҳангаронлик Шарифа Тўйчибоева деб таништирди. Гап-сўзларидан ўқимшли, зиёли эканлиги кўриниб турган аёл дастлаб Оҳангарон шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорликлар ҳақида узок гапир-

ди. Айниқса, шифокорларнинг ўз касбига масъулияти ҳақида алоҳида тўхталди.

– Дунёда яхши касблар кўп, бироқ улар ичида энг улуғи шифокорлик, – деди Шарифа Тўйчибоева. – Сабаби, инсон саломатлигини, ҳаётини айнан шифокорга ишониб топширади. Буни ўз бошимдан

ўтказдим. Гап шундаки, қизимни Ангрэн шаҳрига узатганман. Икки нафар ўғли бор. Учинчи фарзандига 5 ойлик ҳомиладор эди. Тусатдан мазаси қочиб, Ангрэндаги туғуруқ комплекси вақтинча ёпилганлиги сабабли Оҳангарон шаҳрига келишга мажбур бўлишган.

(Давоми 3-саҳифада) ▶

Ташаббус қанот ёзмақда



"Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси

"Оналар боғи"

Юртимизда яшил ҳудудларни ташкил этиш, маҳалла, кўча ва хиёбонларни кўкаламзорлаштириш бўйича хайрли ишлар давом этмоқда. Хусусан, вилоятимизнинг турли ҳудудларида ҳам яшил маконлар, боғу роғлар барпо этилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Оила ва

хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси З. Маҳқамова, Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи З. Миргазиева ҳамда қўмита масъул ходимлари Қибрай туманидаги "Зебунисо" маҳалласида ташкил этилаётган "Оналар боғи"нинг очилиш маросимида иштирок этишди.

(Давоми 4-саҳифада) ▶

Ҳамкорлик



"Нурафшон бизнес-СИТИ"да университет қурилади

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги ҳамдўстлик алоқалари охириги йилларда янада ривожланиди.

Хусусан, Тошкент вилояти марказида Корея республикасидаги "Hwasin Cyber University" филиалини очиш тўғрисида меморандум имзоланди.

– Университет 5 мингдан 10 минггача талабаларни ўқитиш қувватига эга бўлиб, сабоқлар ҳар хил йўналишда олий тоифали фан профессорлари ва фан докторлари томонидан олиб борилади, – дейди кореялик инвестор Ле Уи Сеок. – Таълим даргоҳида ижтимоий ҳимояга муҳтож

оилалар фарзандлари имтиёз асосида ўқитилади.

Университет 10 гектар ер майдонига қурилиши мўлжалланган бўлиб, 10 миллион доллардан ортик инвестиция маблағлари жалб этилмоқда.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги бизнес марказларини қуриш дирекцияси ДУК Бош директори Сарвар Кабиров ҳамда Корея делегацияси масъуллари иштирокида ўтган мазкур тадбирда яна бир қатор масалалар муҳокама қилинди.

Мактабгача таълим

Бўка туманининг "Маданият" маҳалла фуқаролар йиғинида 3-давлат мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди. Бу маҳалла аҳли учун ажойиб тўхфа бўлди.



БўКАЛИК БОЛАЖОНЛАРГА ТўХФА

Шу муносабат билан ташкил этилган маросимда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Нозим Хусанов, Мактабгача таълим вазири Агриппина Шин, Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари Жамшид Бабажонов, Бўка тумани ҳокими Низомиддин Аббосов ҳамда маҳалла фаоллари, ота-оналар, тарбиячи ва мураббийлар иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан мактабгача таълим тизимига алоҳида эътибор қаратилаётгани, бундан қўзланган фаолият юзасида келажимиз эгаларининг ҳеч кимдан кам бўлмай, баркамол улғайишлари ҳамда буюк аждодларга муносиб ворис бўлиб вояга етишларини таъминлашдан иборат эканини таъкидлашди. Мазкур 3-сонли давлат мактабгача таълим ташки-

лоти биноси 1952 йил қурилган бўлиб, мослаштирилган ҳолда 1982 йилдан бошлаб мактабгача таълим ташкилоти сифатида фаолият юритиб келган. Бу ердаги эҳтиёж инobatта олиниб, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Мактабгача таълим вазирликлари ҳомийлиги остида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Замонавий ўқув қуроллари, мультимедиа воситалари ҳамда уйинчоқлар билан таъминланган МТТда 600 нафар бола тарбияланади. Ўқув машғулоти тажрибали педагог ва тарбиячилар томонидан олиб борилди. Спорт тўғрақлари болалар ихтиёрида. Бочада ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи 30 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР РЎЁБИ

Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи **Нажмиддинхўжа Шарипов** Татаристон Республикасининг Қозон шаҳрида бўлиб қайтди.

Сафар доирасида Татаристоннинг "Компрессор-машремерсвис" компанияси директори Александр Черняков билан ташкил этилган учрашувда мазкур корхона билан йирик компрессорларни таъмирлаш ва уларга эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича бир қатор

келишувларга эришди. Шериклар билан ҳамкорликда "Олмалик кон-металлургия комбинати" АЖ, "Тошкент ИЭС" АЖ, "Махам-Ширчиқ", "Ангрэн ИЭС" каби йирик корхоналардаги мавжуд компрессорларни таъмирлашни йўлга қўйиш каби лойиҳалар шулар жумласидандир.

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР РЎЁБИ

Музокаралар чоғида Тошкент вилоятининг инвестиция салоҳияти, "Ангрен", "Чирчиқ-Химград" эркин иқтисодий зоналари имкониятлари тақдироти ҳам амалга оширилди.

"ICL" компаниялар гуруҳи раҳбарининг ўринбосари Сергей Соловьев билан IT-инфратузилма, тизимли интеграция, маълумотлар тизими ва рақамли ечимларни яратиш ҳамда компьютер ва серверлар ишлаб чиқариш, шунингдек, Ўзбекистонда IT-парк, ретейл корхоналар ва IT тизимда фаолият юритаётган йирик компаниялар билан (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



учрашувлар ташкил этишга келишиб олинди.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига ихтисослаштирилган "Eternity" IT мактаби

фаолияти билан яқиндан танишиб олинди.

Маъмур соҳаларда Ўзбекистон бозорини ўрганган ҳолда, компьютер ва серверларни ишлаб чиқариш

ҳамда йирик саноат объектлари учун ишлаб чиқариш тизимини автоматлаштиришни жорий этиш мақсадида инвестиция киритиш масаласи кўриб чиқилди.

Сафар давомида Н. Шарипов "Тулпар Аэро Групп" корхоналар гуруҳининг директорлар кенгаши раиси Хаким Азат, "Агросила" холдинг компанияси раҳбари Светлана Барсукова, "Казанский завод синтетического каучука" компанияси раҳбари Игорь Сокол, "Волга-Днепр" компаниялар гуруҳи асосчиси Лев Семенов, "Ялкын" МЧЖ директори Эмиль

Усманов "Ак Барс девелопмент" компанияси директори Марат Шагитов, "СервисМонтажИнтеграция" компанияси директори ўринбосари Динар Вильдановлар билан ҳам бир қатор йўналишларда музокаралар олиб борди.

Хусусан, "Архитектурное бюро а61" компанияси директори Иван Мошқа билан ўтказилган учрашувда электр таъминотини тақсимлаш ва автоматлаштириш бўйича техник ечимларни ишлаб чиқариш ҳамда тез битадиган бино ва иншоотларни қуриш бўйича ҳамкорлик қилиш борасида келишиб олинди.



Нурафшон шаҳрида Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асослари-га бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди.

МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ САЙЛОВИ – КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши, вилоят кўмаклашувчи комиссияси, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида фаолият юритаётган кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳлар аъзолари бевосита ва ЗООМ платформаси орқали масофадан туриб иштирок этишди.

Мулоқотни Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси раиси, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати Р. Шералиев олиб борди.

Анжуманда сенатор Т. Мадумаров май ойида юртимизнинг барча гушасида ижтимоий ҳаётимиздаги ўта муҳим жараён – маҳалла раислари сайловини ҳар тарафлама юқори даражада, қонуний асосларда ташкил этиш ва ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари ҳақида муфассал тўхталиб ўтди.

Семинар иштирокчилари томонидан йўлланган қонли ва он-лайн форматдаги саволларга жавоблар қайтарилди.

Вилоят бўйлаб



ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ туманининг "Ободон" фуқаролар йиғинида маҳалла тиббиёт пункти фойдаланишга топширилди. Шифо маскани замонавий тиббий асбоб-усуналар билан жиҳозланиб, аҳолига хизмат кўрсатишга тайёр ҳолатга келтирилди.



ОҲАНГАРОН тумани "Ёшлар маркази"да вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида "Тиббиётдаги ислохотлар – инсон қадрини унун" мавзусида аҳоли билан учрашув ташкил этилди.

Очиқ мулоқот тарзида бўлиб ўтган учрашувда туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари аҳоли олдида ҳисобот берди.



НУРАФШОН шаҳар ҳокими Музаффар Салиев "Обод турмуш" маҳалласида бўлиб, "Яшил макон" умумий тадбири доирасидаги кўчат экиш ва ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди.

Жараёнда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш ҳамда фуқароларнинг мурожаатларини ижобий ҳал қилиш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.




ОҚҚҮРҒОН туманининг 1-сектор ҳудудидаги "Ёшлик" маҳалласи биносида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Ярмаркада 21 корхона 98 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Шу кунги 7 нафар фуқаро доимий ишга жойлаштирилди. Унлаб фуқаролар ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. Баъзиларига субсидия асосида иссиқхона қуриб берилганди.



ПАРКЕНТ тумани ёшлари ўртасида соғлом турмуш тарзи ва спортни оммалаштириш, уларни кўчбай ва маҳаллабай кесимида спорт тадбирларига жалб этиш мақсадида «5 ташаббус олимпиадаси» спорт

мусобақалари ташкил этилди. 25 июнга қадар давом этадиган мусобақалар 5 босқичдан иборат бўлиб, 7 ёшдан 30 ёшгача бўлган маҳалла ёшларини қамраб олиш белгиланган.



Деҳқон борзорлари: РАМАЗОН ОЙИДА НАРХЛАР БАРҚАРОР...МИ?

Аҳолини асосий турдаги Озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ҳамда истеъмол бозорларидаги нарх барқарорлигини сақлаш ва харидорлар орасида норозилик вужудга келишининг олдини олиш мақсадида вилоят прокуратураси ва Департаментнинг Тошкент вилояти бошқармаси билан ҳамкорликда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Айни вақтда, вилоятнинг 22 та шаҳар ва туманларида 16 та деҳқон бозори, шунингдек, 374 та озиқ-овқат савдо ярмаркалари аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Ушбу деҳқон бозорларига жорий йилнинг март ва апрель ойларида жами 2 минг 90 тонна картошка етказиб бериш режаси тасдиқланган бўлиб, ишлар белгиланган график асосида олиб борилаётган.

"Ангрен Шакар" ХҚдан жами 1 минг 600 тонна шакар маҳсу-

лоти, "Нобел Траде" МЧЖ корхонаси томонидан эса ўсимлик ҳамда пахта ёғлари хом ашё товар савдо биржасига чиқиш нархида истеъмолчиларга етказиб берилиши йўлга қўйилган.

Шу билан бирга нархларни кунлик мониторинг қилиш тизими асосида нарх ошиши эҳтимоли юқори бўлган маҳсулот тури худудлар кесимида олдиндан прогноз қилиниб, натижаларига кўра, маҳсулотлар арзон бўлган ҳудуддан нарх ошган худудларга интервенция қилиш йўли билан 716 тонна картошка, 180 тонна сабзи, 38 тонна товуқ гўшти, 46 тонна мол гўшти, 17 тонна қўй

гўшти, 568 минг дона тухум ва 659 тонна шакар ишлаб чиқариш нархида аҳолига етказиб берилган.

Юқорида келтирилган ҳолатларни доимий назорат қилиш мақсадида Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Зойир Мирзаев томонидан вилоят ҳудудида ташкил этилган барча савдо ярмаркаларига кузатув камералар ўрнатилиб, улар интернет тизими орқали вилоят ҳокимлигига тўғридан-тўғри уланган.

Савдо ярмаркаларидаги нарх-наволар ва асосий турдаги маҳсулотларни етказиб бериш бундан кейин ҳам доимий назоратга олинади.



Долзарб мавзу



– Наргизанинг фарзандларига ҳавасим келади-да, – деб қолди бир йиғинда Зангиота қишлоғида яшовчи Муқаддас ая. – Ҳаммаси ўз кучи ва ҳаракати билан ҳаётда ўрнини топяпти. Оталари катта тадбиркор бўлсада, унинг пули билан иш қилишмайди. Катта қизи мактабда яхши ўқиди, ўқув курсларига борди. Натижада Тошкент тиббиёт академиясига ўз кучи билан давлат гранти асосида ўқишга кириб, битирди. Катта ўғли ҳам олийгоҳни тугатиб, тадбиркорлик билан шуғулланыпти. Кичик қизи бир пайтнинг ўзида бир нечта олийгоҳга ўқишга кирди. Кенжаси Тоиржон бу йил мактабни тамомлапти. Инглиз тилини яхши ўрганиб, чет элдаги нуфузли университетда ўқиш имкониятини қўлга киритибди.

Тўрт фарзанднинг одоб-ахлоқини айтмайсизми? – Муқаддас опа, чала эшитибсиз, – деб гапга қўшилди ўғли опа. – Тоиржон бир эмас, икки эмас, Америка ва Италиядаги нақ 7 та нуфузли коллеж ва олийгоҳларга грант асосида муддатидан олдин ўқишга кириб, талаба бўлди. Бир вақтнинг ўзида қабул қилинган 7 та олийгоҳдан ютиб олган грант миқдори 728 минг доллар эмиш. Дарвоқе, у Тошкент вилояти ҳокими стипендианти ҳам. – Тарбия берган ота-онасига раҳмат, – дея Муқаддас ая дуога қўл очди. – Қишлоғимизда шундай ёшлар кўпаяверсин. Тоиржон яхши мутахассис бўлиб, катта лавозимларда ишласин...

ИККИ ЙЎЛ БОШИДА ТУРГАН БОЛА

Маҳалладошининг фарзандлари ҳақида фахр билан гапирётган Муқаддас аянинг болалари ҳам ҳавас қилса арзиғулик. Барчаси ўқимашли, одобли, ҳалол инсонлар. Қизлари-ю келинлари ўқитувчи. Бир этак невараларининг олди олийгоҳларни тугатган, кейингилари бирин-кетин ўқишга киришапти. Бунинг негизиде ота-она, қолаверса, бувиларининг тарбияси мужасам, албатта. Қачон аянинг уйига борсам, қўлида китоб, газета-журнал, невараларига ўқиб бераётган бўлардилар...

Республикамиз, хусусан, вилоятимизда бундай ибратли оилалар кўп, уларнинг фарзанду набиралари илмда, спортда, санъатда барчага ўрнак.

Лекин, афсуски, гуруч ичида курмаклар ҳам борки, бундан кўз юмиб бўлмайди. Гап тарбия ҳақида кетаётган экан, ўз-ўзидан ёшлар икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳдагилар одобли, илмга чанқоқ, иқтидорли, ўз устида тинимсиз изланадиган ёшлар.

Иккинчиси – ялқов, дангаса, ҳаётни ўйинчоқ деб биладиганлар. Уларнинг ўқишга иштиёқи йўқ, қўлидан телефон тушмайди, дарс тайёрлаш ўрнига кун тун уни титкилаш билан банд. Ҳаёлини беҳаё фильмлар, уятсиз суратлар, асабни ишдан чиқарадиган турли ўйинлар эгаллаган. Бундай болалар катталарни ҳурмат қилиш, урф-одат ва қадриятларни қадрлаш, транспортда ёши улуғлар, аёлларга жой бериш каби тушунчалардан буткул йироқ бўлиб воёга етмоқдалар.

Бир юртда, бир маҳаллада ёнма-ён яшаётган, бир ариқдан сув ичиб, бир ҳаводан нафас олаётган, давлатимиз томонидан уларга бир хил эътибор қаратилаётган пайтда, бундай икки хиллик қаердан пайдо бўлди?

Вазият шу даражага етганига фақат болалар айбдорми? Фикримизча, энг катта



иллат ота-онада. Улар пул топиш, турмуш ташвишлари билан андармон бўлиб, фарзанд тарбияси учун ақалли бир соат вақт ажратолмайдилар. Ахир, бола ўз-ўзидан катта бўлиб қолмайди, ўз-ўзидан тарбия олмайди. Ота-онаси доим банд бўлган, удан топмаган нарсасини кўчадан қидиради. Кўчада эса уни қутиб турган ёмонлар даврасига қўшилади. Фарзанд тарбиясига бефарқ бундай ота-оналарга ўқитувчининг оғохлантириши танбеллари ҳам бир пул. Агар фарзанди мактаб томорқасини обод қилишга озроқ ҳисса қўшай деб қўлига кет-

мон олса, ана унда кўринг томошани. Она бу бола учун ҳам тарбия, ҳам жимсий ҳаракат эканини унутиб: "Нега менинг боламни мажбурий меҳнатга жалб қилмасизлар?", деб мактабни бошига кўтиради. Илоҳи бўлса, шамол ҳам боласини четлаб ўтса. Томорқасида ер ағдарилган тортиб, экин экишгача мардикор ишлатади. Шаҳардақу, оддий уй юмушларини бажариш учун ҳам хизматчи ёллашади. Бу кап-катта бўлиб қолган йигит-қизларни дангаса, ишқамасга айлантarmoқда.

Фойдали меҳнат қилиб ўрганмаган фар-

занд келажакда ҳам оғирнинг устидан, енгилнинг остидан ўтадиган бўлиб қолади, бир жойда ёлчиб ишламайди. Натижада, оилали бўлган ҳам рўзгорни эпловмайди ёки аёлининг бўйига юклаб қўяди. Аёли сабр-бардошли бўлса, аччиқ гармдорини чайнаб, бутун умр оила таъминоти учун гуяриб-елиб ўтади. Керак бўлса хорихга ҳам бориб ишлайди. Агар чидолмаса, оилада кунда жанжал, бу охири ажрим билан тугайди.

Ўтган йили республикамиз бўйича 39 минг 222 та ажримлар содир бўлганини қан-

дай изоҳлаш мумкин?! Бу, шунча оилада дунёга келган фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши аниқ. Ёки жиноий, иқтисодий судлар томонидан қурилатган минглаб жиноий ва ҳуқуқбузарлик ишларининг "қахрамон"лари бўлган эркак ва аёлларнинг ўзлари тарбияга муҳтож бўлатуриб, қандай қилиб болаларини тарбиялай оладилар?! Мана, иккинчи гуруҳга мансуб болалар қаердан келиб чиқаяпти.

Албатта, юқоридаги каби иллатлар билан курашиш учун давлатимиз томонидан кенг қўллаб-қувватлаш қилинапти. Жумладан, "Ёшлар дафтери" шакллантирилди, ишсиз ёшлар касбга ўқитилиштириш, ишсиз ёшлар касбга ўқитилиштириш билан шуғулланишлари учун ёрдам бериляпти. Хуллас, ёшлар учун ташкил этилаётган фойдали тадбирларнинг охири кўринмайди. Лекин унда фақат фаол ёшлар иштирок этиб, иккинчи гуруҳга мансуб ёшлар назардан четда қолаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Яқинда Тошкент туманидаги 22-умумтаълим мактаби директори билан суҳбатлашиб қолдик.

– Энди иш бошлаган кезларим ўқитувчилар мактаб "муштурм"и бўлган бир ўқувчидан нолиб қолишди, – дейди Баҳодир Ачилов. – Уша ўқувчини хонамга чақиртириб, эркакчасига гаплашиб олдик. Унинг бундай хатти-ҳаракатлари нотўғри эканини ҳуқуқий томондан тушунтирдим. Хуллас, бир соатлик дўстона суҳбат асосида бир-биримиз билан тил топишиб олдик. Унинг зиммасига муҳим жамоат ишини юкладим. Бугунга келиб, у мактабимизнинг энг фаол ва одобли ўқувчиларидан бирига айланиб, тадбирларда ўзини кўрсатиб, мактабдошларини ордидан эргаштиряпти. Ўқишда ҳам ижобий томонга ўзгариш бор.

Демак, устозлар ҳам боланинг кўнглига йўл топишга ҳаракат қилишлари керак.

Мухтасар айтганда, икки йўл бошида қайсинисидан юришни билмай иккиланаётган ҳар бир боланинг қўлидан маҳкам тутиб, тўғри йўлга солиб юбориш катталар зиммасидаги вазифа. Бу борада маҳаллаларда янгидан иш бошлаган ёшлар етакчиларидан ҳам умид катта. Бундан қандай натижа чиқисини эса вақт кўрсатади.

Нозима АРСЛОНОВА

Муносабат

Одатда, газета ва журналлар, уларнинг обунаси, тахририятларнинг иқтисодий аҳоли ҳақида йил якунида, аниқроғи обуна мавсуми чоғида кўпроқ гапиримиз, ёзамиз, баҳс-мунозараларга киришамиз. Шу пайтда қайси нашрнинг муассиси қайси ташкилот эканлиги, тахририят ва муассис муносабатлари ҳам яққол намоён бўлади. Бу орада “Интернет борку, газета керакми?”, “Мен газета ўқимайман, ахборотни сайт ва ижтимоий тармоқлардан оламан”, “мажбурий обуна” деган гап-сўзлар кўпайиб қолади. Дарров турли услубларда ижтимоий сўзловлар ўтказилади ва “Ана кўряписизми, одамлар газета ўқимаяпти, мажбурий обуна йўқ ҳозир, ўзи газета кимга керак?” деган ҳулосалар айтилади.

Афсуски, бугунга келиб бундай муносабат, гап-сўзлар фақат обуна мавсумида эмас, йилнинг бошқа пайтида ҳам айтилмоқда. Чунки босма нашрларни чоп этиш, улар фаолиятини замон талаблари даражасида йўлга қўйиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда, соҳада тизимли ислохотларни амалга оширишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Тўғри-да, кейинги ўн йилда газеталаримиз сони тенг ярмига қисқариб, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатида 366 тани ташкил этаётган бир пайтда газета ва газетхон, муассис ва тахририят, обуна ва нашрни етказиб бериш масалаларида жиддий бош қотириш, тизим фаолиятини ўзгартириш зарурати юзага келмоқда.

Шу жиҳатдан, устоз журналист Ўткир Раҳматнинг “Ҳар кунги мўъжиза – у тизимли ислохотларга муҳтож” сарлавҳали мақоласи галвир сувдан кўтарилиб, қайси нашрга қанча обуна расмийлаштирилгани маълум бўлган йил аввалида эмас, балки ана шу жараёндан кейин орадан уч ой ўтганда кўплаб тахририятлар иқтисодий аҳоли оғирлашиб бораётганда чалинган оғоҳлик кўнғирогидек туюлади.

Кейинги пайтда маҳаллий ҳокимликлар муассислигиндаги туман, шаҳар газеталари бир неча юзтадан нари борса 2-3 минг нусхада (ай-



орқали тарқатилмоқда. Бу ахборот ва янгиликлар тезкор бўлгани баробарида асосли ва аниқ манбалардан олинган бўлса, бош устига. Аммо, баъзида биринчи бўлиш иштиқидда шовма-шошарлик билан, асосланмаган ахборот тарқатиш қандай оқибатларга олиб келаётганини ҳам барчамиз кўриб турибмиз (бунинг ўзи алоҳида мавзу). Лекин шу воқеа-ҳодисанинг нима сабабдан юзага келганини, натижасини ёки янгиликнинг моҳияти ва қутилаётган самарасини газета орқали таҳлил қилиб ёритиш мумкин. Бугун айрим теле-

дай қилиб руҳлантиради ва улардан янги мавзулар талаб қилади? Ваҳоланки, ҳар бир тахририятнинг муассиси бор, тахририят ва муассис ўртасидаги шартнома ёки келишувда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Катта эҳтишом билан, бу ҳужжатларда тахририятнинг иқтисодий ҳолати, газетга обуна уюштириш билан боғлиқ вазифаларни муассис ўз зиммасига олган. Афсуски, бугун ушбу ҳужжатларнинг ҳам, ўзаро муносабатларнинг ҳам зamon талабига мослаштириш керак бўляпти.

таклиф ва фикрларни айтиб ўтган. Қайд этилганидек, матбуот тарғиботи кўллаб-қувватланиши, тизимда имтиёзлар жорий этилиши зарур. Тахририятларнинг ўзи газета тарқатиш фаолиятини йўлга қўйиши учун имкониятлар яратиб лозим. Айрим тахририятларнинг бу борадаги фаолияти қийин бўлса-да ўзини оқлади-ку.

Газетани сотувга чиқариш бугун сезиларли даражада камайган. Чунки, матбуот тарқатувчилар тахририятларга буюртма бермайди. Сабоби, берилган буюртма асосида газета сотилса яхши, сотилмаса газета тахририятга қайтарилади. Бу эса тахририят учун зарар.

Савол туғилиши мумкин – айрим газеталар бугун текин тарқатилаяпти, улар бунинг харажати қандай қоплайди? Буни тахририят ўзининг иқтисодий имкониятидан келиб чиқиб белгилайди ёки рекламалар орқали бу харажати қоплайди. Баъзида муассислар бунинг учун имконият яратиб беради.

Афсуски, газетачиларни ва газетхонларни ўйлантираётган бундай масалалар, оғриқли саволлар жуда кўп. Шунинг учун ҳам бугун босма нашрларни ташкил этиш ва улар фаолиятини йўлга қўйиш, муштарийларга етказиб бериш ва бошқа масалаларни қайта кўриб чиқиш, ҳар бир томоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаб қўйиш лозим. Баъзилар башорат қилаётганидек, газеталарнинг умри туғамайди. Босма нашрларга ҳамма вақт эҳтиёж бўлган. Бунинг сабаб ва омили ҳам барчамизга яхши маълум. Интернет, ижтимоий тармоқ барбир газета, журнал, китобнинг ўрнини босмайди. Бежиз китобхонлик бугун кенг тарғиб этилмаяпти. Ҳаммасининг ўз ўрни, ўз ўқувчиси бор.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА

МЎЪЖИЗАДАН ҲАЙРАТГА ТУШИШ ВА ЗАВҚ ТУЙИШ БАРЧАМИЗГА БОҒЛИҚ

римларига бундан кўпроқ бўлиши мумкин) чоп этилаётганига кўникиб ҳам қолгандик. Қарангки, бу йил вилоят, республика даражасидаги газеталар бошига ҳам “шу кун” тушиб турибди.

Айтинг-чи, эртанги кундан умид кўринмаётган бундай нашрларда кимлар ишлаяпти? Ҳа, тўғри, фидойилар, ҳаётини қаламга тикканлар “Эртага вазият ўзгариб қолар”, деган илмиж билан ёки “Шунча йил соҳа нонини едим, энди ташлаб кетсам бўлмас”, деган юз-хотир билан ишлаяпти. Олий ўқув юртини битирган журналист, яхши мутахассис мана шундай ҳолатни кўриб туриб, тахририятга ишга келади, ишлайди деб ўйлайсизми? Асло, йўқ. Тахририятнинг яқинига ҳам йўламайди.

Ҳозир замон зайли деймиз ёки шароит тақозоси – ҳар бир мутахассис аввало ойлик маош билан қи-

зақиди, меҳнатидан қандай манфаат кўришини сўрайди (биз фалон ой маошисиз ишлаганимиз, фалон пайтгача иш ўрганганман, деган гаплар ҳозир ноурин, бундан наф йўқ). Шундай бўлгач, тахририятга, газетга янги хавони, янги руҳни ким олиб киради? Қандай қилиб бундай нашрлардан кимлар ишлаяпти? Ҳа, тўғри, фидойилар, ҳаётини қаламга тикканлар “Эртага вазият ўзгариб қолар”, деган илмиж билан ёки “Шунча йил соҳа нонини едим, энди ташлаб кетсам бўлмас”, деган юз-хотир билан ишлаяпти. Олий ўқув юртини битирган журналист, яхши мутахассис мана шундай ҳолатни кўриб туриб, тахририятга ишга келади, ишлайди деб ўйлайсизми? Асло, йўқ. Тахририятнинг яқинига ҳам йўламайди.

Мақолада интернетнинг, газета-журналларнинг вазифаси ҳақида асосли фикрлар келтирилган, ҳатто хориж давлатларида кечган шу каби жараёнлар ва бугунги кунда босма нашрларга бўлган муносабат тўғрисида аниқ маълумотлар баён этилган.

Тўғри, бугун газеталардан ахборот тарқатиш функцияси талаб қилинган ўзи ноурин. Ахборот асосан, ижтимоий тармоқлар, сайтлар

каналлар информацион дастурини айнан ижтимоий тармоқларда тарқатилган ва одамларнинг эътиборига тушган мавзуларнинг тафсилоти ташкил этмоқда. Газеталар ҳам бугун муштарийнинг шу каби талаб ва истакларини инобатга олиши лозим. Қолаверса, босма нашрлар зиммасида аҳолида ижтимоий фикрни шакллантириш, жамоатчилик назоратини амалга ошириш, мамлакатда ёки маълум бир ҳудуддаги янгиликни ва ўзгаришлар моҳиятини халққа етказиш вазифаси ҳам мавжуд.

Обуна масаласи бугун тахририят бош муҳаррирларнинг асосий ташвиши бўлиб қолган. Юқорида қайд этганимиздек, бу иш энди мавсумий эмас, йил давомида бош қотириш керак бўлган жараёнга айланган. Вазият шундай бўлгач, бош муҳаррир қачон газетанинг ижодий ишларини ўйлайди, ходимларни қан-

Айни пайтда тахририят ва обуна-чи муносабатлари совуқлашишида газеталарни етказиб берувчиларнинг ҳам яхшигина “ҳиссаси” бор. Бугун ҳеч бир почтани, аввалгидек хонадонма-хонадон кириб газета тарқатмайди. Ҳар бир маҳаллада ҳам почтачи йўқ, штатлар аллақачон қисқариб кетган. Борларининг эса ойлик маоши ўзига яраша, табиийки, ишга муносабати ҳам. Улар ҳафтада бир марта нашрни етказиб берса, қувонаверинг. 10-15 кунда ёки бир ойда бир келиб, ҳаммасини ташлаб кетади. Сифати истеъ- молчи талабини қониқтирмайдиган бундай хизматдан ким фойдаланади? Бунақа шароитда ким ўз вақтида етказиб берилиши гумон бўлган газетачи учун бир йил олдин пул тўлаб обуна бўлади?

Айнан шу оғриқли масала ечимида мақола муаллифи яхши

Нишондорларимиз

Паркент тумани “Булоқбоши” маҳалла фуқаролар йиғинида икки мингдан ортқ аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла раиси Озо-

да Солиева Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида “Мўътабар аёл” кўкрак нишони билан тақдирланди.



ОБОД МАҲАЛЛАНИНГ ОЗОДАСИ

– Асли касбим товаршун, – дейди она биз билан суҳбатда. – Тошкент кооператив билим юртини тамомлагач, 20 йил туман “Матлубот” жамиятида товаршунос ҳамда касба уюшма раиси вазифасида ишладим. Маҳалладошларимнинг ишончи билан 2003 йилда “Булоқбоши” йиғинига раис этиб тайинландим. Ўша кезлари маҳалламизда юзага келган муаммолар, оилавий жанжалларни ижобий ҳал қилиш жуда қийин кечди. Шундай бўлсада, маҳалла фаоллари билан маслаҳатлашиб, учта кам таъминланган оилага қорамол, икки оилага уй-жой қуриш учун ер олишда амалий ёр-

дам кўрсатдик. Ақримларни камайитиришга эришдик. Уч йил маҳалла ташвишлари билан андармон юрган она олдинда уни катта синовлар кутиб турганидан беҳабар эди. Аввал қайнонаси, кейин турмуш ўртоғи соғлигини йўқотди. Шунда аёллик, келинлик вазифасини бажариб, уларга қаради. Етти йиллик танаффусдан сўнг яна маҳаллани обод қилиш учун бел боғлади. – Тўрт йил аввал маҳалламизда “Обод маҳалла” Давлат дастури амалга оширилди, – дея гапира давом этади Озода она. – 7 та кўчага асфальт ётқизилди. Хонадонларнинг ички ва ташқи фасадлари тар-

тибга келтирилди. Барча кўчалардаги эски электр симёғочлари ўрнига темир бетон таянчлар, замонавий ёриткичлар ўрнатилди. Шу давр мобайнида 110 нафар ишсиз фуқаронинг бандлигини таъминладик. Маҳалла биноси тадбиркор томонидан қайтадан қурилди. Худудимизда нон ишлаб чиқариш цехи ва мини-маркет ишга туширилди. 4- ва 5-умумтаълим мактаб бинолари таъмирдан чиқарилди. COVID-19 пандемияси даврида маҳаллада ишлар тизимли йўлга қўйилди. Аҳолининг барча қатламларига эътибор қаратилиб, давлат ва ҳокимлик томонидан берилган озиқ-овқат маҳсулот-

лари ва моддий ёрдамлар тўғри тақсимланди. Озода Солиеванинг меҳнатлари инобатга олиниб, “Саховат ва кўмак”, “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги” кўкрак нишонлари билан тақдирланди. Маҳаллада ҳамма ишлар режа бўйича қилинади. Жумладан, пайшанба – жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари билан ҳамкорликда маҳалла ва мактабларда турли мавзуларда суҳбатлар ўтказилади. “Тарбия – ҳаёдан бошланади” мавзусидаги давра суҳбатларида эса нуронийлар ўз

ҳаётий тажрибаларига таяниб, ёшларга одоб-ахлоқдан сабоқ беришади. Опанинг ташаббуси билан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида кўчаларга видеокамералар ўрнатилмоқда. Шу кунларда кўчанинг чала қолган 250 метрини асфальтлаш режалаштирилган. Озода опанинг таъкидлашича, меҳнатдан қочмаган, ўз ишига виждонан ёндошган, одамларнинг қорига яраган инсон асло кам бўлмайди. Зеро, ўзи ҳам шу хислатлари билан эл ичида ҳурмат топди.

Нигора ЎРОЛОВА
Тошкент ҳақиқати/

Хабарингиз борми?

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган тегишли қарорга кўра, 2022 йил 1 майдан бошлаб стипендиялар ҳар ойнинг 5-санасига қадар молиялаштирилади ва тўланади.

Пенсия ва нафақалар бир вақтда АТ “Халқ банки”нинг сайёр кассалари томонидан маҳаллаларга етказилади.

Шунингдек, аҳолини банккоматлар билан қамраб олиш даражасини ошириш мақсадида 2022 йилнинг 1 октябрга қадар хориждан 1 млн 800 та банккомат олиб келиниб, улар худудларда, шу жумладан, олис туманларда ўрнатилди.



Йўлда аҳоли янада оғирлашибди. Ўша кунги ярим тун бўлишига қарамай, Оҳангарон тиббиёт бирлашмаси туғуруқ комплекси шифокорлари бош шифокор бошчилигида кизим билан яна 5 нафар аёлга малакали хизмат кўрсатишди. Умрларидан барака топишсин, қизимнинг ҳаётини сақлаб қолишди. Улардан жуда миннатдорман. Бу воқеани эшитиб, биз ҳам Оҳангарон шаҳар Тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонасига бордик. (Давоми. Бошланғичи 1-санида)

Бош шифокор Нусратулло Халиков бизни илик кутиб олиб, шифохонада яратилган шароитлар билан бирма-бир таништирди. Марказий шифохона 30 ўринли “Тез тиббий ёрдам”, 15 ўринли режалли жарроҳлик, 10 ўринли жарроҳлик, терапия ва болалар бўлимларидан иборат. Бундан ташқари, 20 ўринли юқумли касалликлар шифохонаси ва 90 ўринли туғуруқ комплекси ҳам мавжуд. Реанимация, лаборатория, қабул-диагностика бўлими ҳам шулар жумласидан.

ОҚ ХАЛАТ МАСЪУЛИЯТИ

Тиббиёт бирлашмасининг 721 нафар ходими 40 минг 73 нафар аҳолига малакали хизмат кўрсатилмоқда. Кунига 100 дан зиёд аҳоли мурожаат қиладиган шифохонада беморлар учун барча шароитлар яратилган. Шифохона ЭКГ, рентген, эндоскопик текширув, лапароскопик аппаратлар каби зарур тиббий жиҳозлар билан таъминланган.

Бирлашмада бўлган кунимиз давлатимиз раҳбарининг соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифалардан ке-

либ чиқиб, “Тиббиётдаги ислохотлар – инсон қадрининг мавзусида тиббиёт бирлашмаси раҳбари аҳоли олдида ҳисобот берди. Шундан сўнг фуқароларнинг тиббиёт ходимларининг иш фаолияти, дори-дармон, ордер олиш, тиббиёт бирлашмасига ишга жойлашиш каби саволи ва мурожаатлари тингланиб, ечим изланди. Биз ҳам беморларга ширин сўз, малакали хизмат кўрсатиб, дуо олаётган оқ халатли нажоткорлардан мамнун бўлиб ортга қайтдик.

Нозима РАСУЛОВА
Тошкент ҳақиқати/
Аброр ЭСОНОВ
олган суратлар

Эълонлар

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Тошкент вилояти
Бош бошқармаси
бошлиғи томонидан

Тошкент вилояти
Бекобод туманидаги

3-сектор штаби биносида жорий йилнинг

22 АПРЕЛЬ КУНИ
СОАТ 11:00 ДА

жисмоний ва юридик шахслар вакиллари билан

САЙЁР ҚАБУЛ ЎТКАЗИЛАДИ.

Манзил: Бекобод тумани,
“Ўзбекистон” МФЙ,
С. Поччаумаров кўчаси, 1-уй.

Саноат чиқиндиларини қайта ишлашга инвестицияларни жалб қилиш мақсадида “Yangi Angren IES” АЖ 2-КҚО (кул-қурум омбори) микросферасини (енгил фракцияли кул-чиқинди) ягона харидорини аниқлаш учун танлов ўтказлади. Бошланғич қиймати – 1 200 000 сўм/тн.

2-КҚО (кул-қурум омбори) микросферасини (енгил фракцияли кул-чиқинди) амалга ошириш шартларини корхона расмий электрон веб-сайтидаги эълондан ёки қуйида кўрсатилган телефон рақамлари орқали олишингиз мумкин: (+99899)786-44-50, (+99871)236-14-12, (+99871)236-60-84.

“Yangi Angren IES” АЖ маъмурияти

Олмазор енгил саноат касб-хунар коллежи томонидан 2014 йилда Комолова (Икрамова) Феруза Суннатилла қизи номига берилган К № 3440360 (рўйхат рақами 126) рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент ирригация ва мелiorация институтининг томонидан 2013 йилда Минасипов Бурхан Бахтиёрович номига берилган М № 070012 рақамли магистр дипломи ва иловаси (рўйхат рақами – 7981) йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 4-умумтаълим мактаби томонидан 2013 йилда Абдушукурова Айжан Абдуғафур қизи номига берилган У № 0260521 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент ирригация ва мелiorация институтининг томонидан 2011 йилда Минасипов Бурхан Бахтиёрович номига берилган В № 565674 рақамли бакалавр дипломи ва иловаси (рўйхат рақами – 5187) йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси томонидан 2019 йилда Минасипов Бурхан Бахтиёрович номига берилган ҚТ № 000246 рақамли диплом ва иловаси (рўйхат рақами – 00448) йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

